



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

03 (109)-сон, 2006 йил 19 январь

Бизнинг шарҳ

Пойтахтимиздаги 2001 йилдан буён фаолият юритиб келаётган "Шайхонтохур текстиль" Ўзбекистон-Туркия тикув-трикотаж қўшма корхонасида бугунги кунда 500 нафардан зиёд ишчи-хизматчи фаолият юритмоқда. Корхонада айни пайтда юз хилдан ортик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, Америка, Европа китъаларига, шунингдек, бир қатор қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда. Маҳсулотларга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамгаси босилган бўлиб, улар ички бозорда ҳам ўз харидорларини топмоқда. Қўшма корхонада хорих технологиялари ўрнатилгани, шу боис маҳсулотлар замон талабларига мос равишда сифатли ишлаб чиқарилмоқда.



Шайхонтохур текстиль

Келгуси ҳафта Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтадиган саммитда Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши, Ўзбекистоннинг ҳамжамиятга расман аъзо бўлиб киришига бағишланган маросим бўлиб ўтади. Шу ўринда мазкур ташкилотга аъзолик Ўзбекистонга нима беради, Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларига қанчалик таъсир кўрсатади, каби саволларнинг пайдо бўлиши табиий.

ЕИҲ: истиқболли ҳамкорлик

Маълумки, бугунги халқаро муносабатлар тизими дунё давлатларини ўзаро яқинлаштирмоқда. Шу билан бирга жаҳон миқёсида чуқурлашиб бораётган ўзаро рақобат ва глобаллашув жараёнлари ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, муҳим халқаро масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этаётди. Бундай ҳамкорлик самараси ўлароқ, Европа Иттифоқи, Меркосур, АСЕАН ташкилотларининг фаолият доираси кенгайиб бормоқда. Шу маънода Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини истиқболли ташкилот, деб аташ мумкин.

Ёдингизда бўлса, 2005 йил 6-7 октябр кунлари Санкт-Петербург шаҳридаги Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти (МОҲТ) саммитида ушбу ташкилотнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши ва Ўзбекистоннинг унга аъзо бўлиб кириши тўғрисида келишиб олинган эди. Иккала ташкилотнинг ҳам ўз олдига деярли бир хил мақсад ва вазибаларни қўйганлиги давлат раҳбарларини шундай қарор қабул қилишга ундаган эди. Қолаверса, амалий саъй-ҳаракатлар уйғунлигини таъминлаш мақсадида ҳар икки тузилмани бирлаштириш ва янги шаклланган ЕИҲ доирасида интеграцияни ривожлантириш хусусида Президент Исом Каримов томонидан билдирилган таклифлар барча аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан маъқулланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти 2000 йил 10 октябрда Беларусь, Россия, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари раҳбарлари имзолаган шартнома асосида ташкил топган эди. Давлатлар ўртасида Ягона иқтисодий маконни шакллантириш, ўзаро муносабатларни кенгайтириш, аъзо мамлакатларнинг жаҳон ҳўжалиги тизимига интеграциялашуви жараёнини мувофиқлаштириш йўлида хизмат қилиш ушбу ташкилотнинг асосий вазифасидир. Айтиб ўтиш жоизки, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти бу борада сезиларли натижаларга эришмоқда. Утган йил якунига кўра, аъзо мамлакатлар ўртасида учинчи давлатлардан импорт қилинадиган маҳсулотларнинг учдан икки қисмига нисбатан божхона тарифларини ягоналаштиришга эришилди.

Бир хил мақсадни ўз олдига қўйган икки ташкилотнинг бирлашуви аввало, минтақада интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш, унинг ҳудудий маконини кенгайтиришга хизмат қилади. Транспорт "коридор"ларининг кенгайиши эса аъзо давлатларда транзит нархларининг бир қанча арзонлашувиغا олиб келиши шубҳасиз.

ЕИҲ фаолияти орқали Ўзбекистоннинг ташкилот аъзолари билан ўзаро товар алмашинуви яхшиланади. Иккинчидан, эркин савдо ҳудудини ташкил этиш ва ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш йўлида янги имкониятлар пайдо бўлади, энергия бозорини ривожлантириш истиқболлари кенгайди. Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистонда нефтни қайта ишлаш саноатининг потенциали катта. Бу эса ЕИҲ доирасида нефть маҳсулотларининг умумий бозорини ташкил этиш имконини бериши турган гап. Учунчидан, ҳамжамият доирасида сув ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммосини янада ҳал қилиш мумкин. Ниҳоят, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги барча давлатлар билан чегарадошлигини инобатга олсак, республикамиз иштирокисиз Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти фаолиятини манфаатли асосда ташкил этиб бўлмайди.

Қолаверса, фуқаролар учун визасиз борди-келди қилиш тизими ишлаб чиқилгани, олий ўқув юртиларига ҳеч қандай тўсиқларсиз кириш имконияти яратилгани, дипломларни ўзаро тан олиш тартибининг жорий этилгани ва бошқа қатор ижтимоий кулайликлар барчага бирдек наф келтириши аниқ.

Албатта, кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш аъзо давлатлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бунинг учун, аввало, интеграция жараёнларини чуқурлаштиришга хизмат қилдиган мустақкам ҳуқуқий база яратиш керак бўлади. Ташкилот доирасида қабул қилинган барча битим ва ҳужжатларда энди Ўзбекистоннинг ҳам манфаатлари акс этишига шубҳа йўқ.

Таъкидлаш жоизки, ЕИҲ ўз олдига аниқ мақсадларни қўйган. Агар ўн-ўн беш йил ичида интеграция жараёнлари кўнгилдагидек натижалар берадиган бўлса, барқарор иқтисодий маконни барпо этиш, қолаверса, ягона валютани жорий қилиш масалалари ҳам кўтарилши эҳтимолдан холи эмас.

Биз иқтисодий ислохотларни кенгайтириш, фуқаролик жамияти асосларини яратиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнини чуқурлаштиришни ўз олдимишга асосий мақсад қилиб қўйганмиз. Мана шу мақсадларга эришишда, албатта, ЕИҲга аъзо мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, катта иқтисодий имкониятларга эга бўлган Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга аъзо бўлиб кириши унинг халқаро обрўси ва нуфузини янада ошириши турган гап. Бундан эса ҳар икки томон бирдек манфаат кўриши шак-шубҳасиз.

Кичик ёғ заводи

Ёркул УМАР, Ўза муҳбири

НАВОИЙ. Қизилтепалик тадбиркор Саъдулла Муродов Ванғози қишлоғидаги қаровсиз эски бинони таъмирлаб, ёғ ишлаб чиқарадиган завод қурди.

Завод иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ, ammo бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аллақачон ўз харидорини топган. Хорих технологиясида олинаётган ёғ сифати истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Йилга 20 минг тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга заводда ёғ асосан, кунгабоқар, масхар, кунжут ва зигирдан олинмоқда. Утган қисқа вақт ичида корхонада юз тоннага яқин ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилди. Заводда юздан зиёд ванғозилик ёшлар меҳнат қилмоқда.


Узоқ ва яқин хорижда



«Газпром»нинг Болқондаги мақеи баланд

"Газпром" очик акциядорлик жамияти "Банатский двор" газ омбори, шунингдек, Ниш-Димитровград (Болгария чегарасида) газ қувири қурилишида ва Сербиянинг жанубини газлаштиришда иштирок этувчи бош номзод бўлиб турибди. Россия Федерациясининг Сербиядаги савдо ваколатхонаси эълон қилган материалларда айтилишича, "Банатский двор" газ омбори қурилишининг тугаллаши Сербия учун устувор аҳамиятга эгадир. Лойиҳа кейинги қиш мавсумига қадар амалга оширилиши лозим.

Газ омбори қурилишига 200 млн. АҚШ доллари зарур бўлиб турибди.




АКЮ — ягона валюта



Осиё Тараққиёт банки ягона валютани муомалага киритиш ҳақида қарор қабул қилди. У минтақадаги 13 та мамлакат пул бирликлари котировкасини ифодалайди ҳамда кейинчалик евронинг Осиёдаги ўхшашига айланади. Бундан ташқари, кеча маълум бўлишича, янги валюта ҳозирги пайтдаёқ доллар ва еврога нисбатан юань ва иенанинг тебранишлари индикатори вазифасини ўтайди.

Осиё валюта бирлиги — АКЮ (ACU — Asian Currency Unit) Хитой, Жанубий Корея, Япония ҳамда Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН — ASEAN) ўн та мамлақати валюталарининг ўртача қийматини ифодалайди. АКЮ расман 2006 йил март ойида пайдо бўлади.



Токио биржаси тарихида биринчи маротаба



18 январь кун Токио фонд биржасидаги савдолар муддатидан 20 минут аввал тўхтатилди. Биржанинг 56 йиллик тарихида биринчи бор ана шундай қарорга келинди. Сабоби — савдо иштирокчиларининг барча талабларини қондириш иложи йўқ эди. Livedoor Corp интернет-компанияси акцияларининг ёлпасига сотилиши шундай вазият руй беришига олиб келди. Акциялар нархи бир кун мобайнида лимитдаги 14 фоиз ўрнига 17 фоиз пасайиб кетди.

Иқтисодиётга — ривож, оилага — даромад

Бу бизнинг Фармон бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонни кенг жамоатчилик, айниқса, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзолари қизгин маъқулламақдалар. Шу муносабат билан O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ихроия қўмитасининг Президент Фармонини ҳаётга татбиқ этиш чоралари тўғрисидаги махсус қарори қабул қилиниб, ушбу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтиришда партия аъзолари зиммасига алоҳида масъулият юклатилди. Хусусан, режалаштирилган тадбирларга йирик саноат, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари, фермерлар, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларни жалб этиш лозимлиги белгиландики, бу ҳам бўлса мазкур Фармоннинг нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолатдир. Мазкур ҳужжатнинг долзарблиги яна шунда ҳам кўринадики, касаначилик ҳаракати бундан буён ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланади. Фармондан, айниқса, серфарзанд оилалар қувонмоқдалар. Чунки касаначилик аҳолининг иш билан бандлигини оширади, оилага қўшимча даромад келтиради. Тахририятга йўланаётган мактублар, хабарлар ҳам мазкур Фармон мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бирдек қизиқиш ва мамнуният билан кутиб олинганлигидан далолат бермоқда.


Жон-жон деб ишлашга тайёрман

— Фармонни ўқиб чиққач, ундан чуқур қониқиш ҳосил қилдим ва мамнуният ҳиссини туйдим, — дейди пойтахтнинг "Жангтоҳ" даҳасидаги 1-уйнинг 13-хонадонида истиқомат қилувчи Гулчехра Юсупова. — Кўп йиллардан буён шу соҳа билан мунтазам шуғулланиб келаётган кўй фуқаро сифатида хаёлимдан қуйидаги фикр-мулоҳазалар ўтди.

Назаримда, ушбу Фармон ўзбек халқининг қадриятлари, анъаналари ва миллий хусусиятлари атрофида ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинган. Нега-

ки, касаначилик юртимизда қадимдан мавжуд. Кулоллар сулоласи, қосиблар сулоласи, мискарлар сулоласи, чеварлар сулоласи каби оилавий касб-ҳунарни англадиган атамалар асрлар оша оғиздан-оғизга ўтиб келади.

Касаначиликнинг афзал томонларини санаб тугатиш қийин. Аввало, у иқтисодиётга ривож берса, қолаверса, оилага қўшимча даромад келтиради. Унинг ижтимоий аҳамияти ҳам бекиёс. Болалар ёшлиқдан меҳнатга қўниқиб борадилар, касб-ҳунар ўрганадилар. Тажрибадан маълумки, касаначилик йўлга қўйилган оилада фарзандлар дарсдан бўш вақтларида ота-оналарига қўмақлашадилар. Демак, кўча ўргатадиган ҳар хил ёмон иллатлардан холи бўлишади.



Давоми 2-саҳифада.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 17 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорихий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари 895,79
1 Англия фунт стерлинги 2105,87
1 Дания кронаси 193,21
1 БАА дирҳами 322,66
1 АҚШ доллари 1185,07

1 Миср фунти 207,00
1 Исландия кронаси 19,46
1 Канада доллари 1022,05
1 Хитой юани 146,96
1 Малайзия ринггити 317,21

1 Польша злотийси 377,77
1 СДР 1714,09
1 Туркия лираси 886,70
1 Швейцария франки 930,05
1 ЕВРО 1441,16

10 Жанубий Корея вони 12,06
10 Япония иенаси 103,74
1 Россия рубли 41,62
1 Украина гривнаси 234,67



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI



ЗЎР ҚУВОНЧГА ФАҚАТ КАТТА МЕХНАТ БИЛАНГИНА ЭРИШИШ МУМКИН

МАСЛАКДОШЛАР

ташаббус ва изланишларга кенг йўл очмоқдалар

Маълумки, ҳар бир партия ўз фаолиятини бошланғич ташкилотларга суянган ҳолда олиб боради. Зеро, оммага энг яқин турадиган, одамларни партия ғоялари ва мақсадлари йўлида бирлаштирадиган фаол тузилма — бу, шубҳасиз, бошланғич ташкилотлардир.

■ Шуқрулло ПАРПИЕВ

семинарлари ташкил этилди. Бу борада O'zLiDeP аъзолари бевосита бошқош бўлдилар. Уларнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан шаҳримиздаги хайвонот боғи, "Қизил шарқ" маҳалласида жойлашган 20 та кўп қаватли бино қайта таъмирланди, "Файзиобод гузари" барпо этилди. Байрамларда кам таъминланган оилалар ҳолидан



Камолбек Бегматов
1976 йили
Тошкент шаҳрида
туғилган.
Маълумоти —
олий.
Мутахассислиги —
иқтисодчи.
Ҳозирги кунда
Давлат мурки
қўмитаси
Тошкент шаҳар
бошқармасининг
ижара хизмати
раҳбари, O'zLiDeP
бошланғич
ташкилоти раиси.



Бошқармада 100 нафардан ортиқ ишчи ва хизматчи меҳнат қилса, шундан 60 нафари O'zLiDeP аъзоси ҳисобланади. Бу, албатта, партияга бўлган юксак ишончдан далолатдир. — Сиёсий ва иқтисодий ислохотлар чуқурлашгани сари аҳоли турмуш тарзи ўзгариб бормоқда, — дейди К. Бегматов. — Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиз тарққиёти кўп жиҳатдан ишбилармон ва тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига боғлиқ. Шу боисдан ҳукуматимиз кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётган. Тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ижросини таъминлаш, мавжуд муаммолар ечимини топиш учун барча имкониятлар ишга солинаётган. Партиямиз ҳали ёш бўлишига қарамай бугун жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга. Олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш учун халққа янада яқинроқ бўлишимиз, O'zLiDePнинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз лозим.

Давлат мурки қўмитаси шаҳар бошқармасида сиёсий жиҳатдан етук, ишбилармон ходимлар кўпчилигини ташкил этади. O'zLiDeP ўзининг илк қадамлари билан кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Зеро, партия Дастурида иқтисодиётни либераллаштириш, хусусий мулкчиликка асосланган кўп қиррали иқтисодиётни шакллантириш, жамиятда барқарорлик ва фаровонлигини таъминлаш

масалаларига кенг ўрин ажратилган. Бу эса халқимиз манфаатларига тўла мосдир. Албатта, омма билан ишлаш, жойларда ғоявий-сиёсий тадбирларни ташкил этиш осон эмас. Бу борада бошланғич ташкилот етакчиси зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. У доимий изланиши, ўз устида тинимсиз ишлаши лозим, албатта. Акс ҳолда ташкилотнинг ҳам, етакчининг ҳам мавқеига путур етади. — Бошланғич ташкилот партиянинг жойлардаги асосий таянчидир, — дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. — Атрофингда ҳамфикр, ҳаммаслак одамлар қанча кўп бўлса, муаммоларни ҳал этиш шунча осон кечади. Буни ўз тажрибамиздан яхши биламиз. Жойларда партиявий-сиёсий ишларни тақомиллаштириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Бу борада фаолларимизнинг ҳиссаси катта бўлаётган.

Утган йили ишлаб чиқариш соҳасида ҳам яхши натижаларга эришдик. Республика Президентининг "2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 80 та объект хусусийлаштирилди. Бу кўзда тутилганидан анча зиёддир. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида партия фаолларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Мана бир мисол. Тадбиркорлар малакасини ошириш учун 300 дан ортиқ ўқув



парастликка қарши кураш каби мавзуларда 200 дан зиёд мавзоб-жавоб кечалари ўтказилди. Жорий йилдаги режаларимиз янада катта. Маҳаллалар ҳудудида ободончилик ишларини кенгайтириб, атроф-муҳит озодлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Энг муҳими, бу ишларга партия фаолларини кенг жалб этиш кўзда тутиляпти. Давлатимиз раҳбари та-

шаббуси билан 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинди. Шу муносабат билан ўтказилган йилги фаолларимиз муҳим тақлифларни ўртага ташладилар. Уларни амалга ошириш учун ғайрат ва ташаббускорлик билан иш юритишга ҳаракат қилаёғимиз. Зеро, ташаббускорлик бўлган жойда омманинг сиёсий фаоллиги ошиб, ютуқлар салмоғи янада кўпаяди.

Қорақўл туман партия кенгашининг яқинда таъмирдан чиққан идорасига кириб борарканмиз, хона тўридаги "Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси" деган таниш ёзув дарров эътиборимизни тортди. Доира стол тўрида ўтирган киши қаёққадир кўнғироқ қилиб бўлгач, гўшакни жойига қўйди ва биз билан кўришди.

касб этди. Корхонанинг йиллик маблағ айланмаси 20 млн. сўмга кўтарилди. Узим 2004 йилда юксак мукофот — "Шухрат" медали билан тақдирландим. Ўша йилнинг декабрида O'zLiDePдан халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига сайланганлигим эса ҳаётимдаги унутилмас кунлардан биридир. Дарҳақиқат, "Ғолиб-мебель" йил сайин ўртача 18,5 млн. сўмлик (25 турли) ме-

ИШОНЧЛИ КЎПРИКМИЗ

■ Эшмурод БОБОМУРДОВ, «XXI asr» мухбири

Маълум бўлишича, бу янги танишимиз — O'zLiDeP туман кенгаши раиси ўринбосари Абдусалом Норкулов экан. — Одамлар қалбига йўл изламай туриб, партияга ишда бирон-бир натижага эришиб бўлмайди, — дейди у. — Буни ўз фаолиятимда бир неча бор синовдан ўтказганман. Партия Дастури ва Низоми талабларини изчил бажариш учун сиёсий тарғибнинг замонавий усулларидан фойдаланаямиз. Ўн бора эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейдилар. Мана, ҳозир шундай тадбирларимиздан бири — O'zLiDePдан сайланган депутатлар гуруҳининг бир йиллик ҳисоботини тинглаймиз. —

Дарвоқе, орадан кўп ўтмай хонага бирин-кетин вилоят, туман кенгашлари депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари раислари, туман партия кенгаши "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" мустақиллари, илғор тадбиркор ва фермерлар, партия фаоллари кириб келишди. Улар эркин тарзда фикрлашиб олиш учун ўзаро мулоқотга тўпнанишган эди. Вилоят ва туман кенгаши депутатлари Ғайрат Хусенов, Олтибой Қуватов, Абдусалом Одилов ва Йўлдош Баракаев сайловчиларнинг талаб-исhti-рактари бўйича амалга оширилган ишлар, келгусидаги режалар ва ҳамкорликда ечилиши зарур бўлган айрим муаммолар хусусида сўз юритдилар. Туман кенгаши депутати Саодат Хайитова барчанинг фикрини ифода-лаб, жумладан, шундай деди: — Биз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатдаги партиядошларимиз билан халқ оммаси ўртасида жонли кўприкмиз. Бинобарин, инсон манфаатларига йўналтирилган янги қонунлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлашга бевосита ҳисса қўшмоғимиз керак. Бу ваколатни бизга O'zLiDePга юксак ишонч билдирган минг-минглаб сайловчилар беришган. Ишончини оқлаш эса муқаддас бурчимиздир.

— энг олий қадрият", деб номланган маърузасида илгари сурилган долзарб вазифаларни бажариш барчамиз учун ҳаётий заруратдир. Тадбирда ана шу хусусда турли фикр-мулоҳазалар билдирилди, муҳим амалий тақлифлар ўртага ташланди. Эндиликда шунга ўхшаш тадбирлар бошланғич партия ташкилотларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Масалан, яқинда туман тиббиёт коллежида Хомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган "Давра суҳбати" ташкил этилди. Унда O'zLiDeP туман кенгаши раисининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Худойберди Ражабов иштирок этиб, Хомийлар ва шифокорлар йилининг сиёсий-тарбиявий аҳамияти, бу борада кўзда тутилган режалар хусусида фикр юритди. Партия туман кенгашининг "Ёшлар қаноти" яна бир муҳим тадбирга қўл урди. Шу йил март-август ойларида қорақўл ўллик ёшлар ўртасида O'zLiDeP кубоги учун футбол мусобақасини ўтказиш режалаштирилмоқда. Бошланғич партия ташкилотларида тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. "Янгибозор-1", "Сайёд", "Ўзбекистон", "Қорақўл" каби 16 та жамоа қатнашиши кўзда тутилган ушбу мусобақа мустақилликнинг 15 йиллиги байрами арафасида ақунланади. Таъкидлаш жоизки, "Қорақўл" корхонаси, халқ таълими бўлими, "Қорақўл-2000" ва "Ғолиб-мебель" ишлаб чиқариш фирмалари бошланғич партия ташкилотлари фаолияти бошқа қуйи бўғинлар учун намуна бўлишига арзийди. Уларнинг ҳар бири ўз атрофида 10 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Бу сон жиҳатидан анча камдек бўлиб кўринади. Аслида-чи, сон эмас, балки сифат муҳимроқдир. —

Жамоамизда 14 киши ишлайди, — дейди "Ғолиб-мебель" фирмаси раҳбари, O'zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси Шокир Мирзаев. — Ўзингиз кўриб турган замонавий офис, хом ашё (тахта-ёғоч) омирлари ўрни ўн йил муқаддам ахлатхона эди. Ушунда бешовлон иш бошлаб, корхонани оёққа тургазганмиз. Кейин сафимизга туман санаят ва транспорт коллежини битирган 9 нафар йигит-қиз келиб қўшилди. Уларга асосан устоз-шоғирдлик йўли билан тарбиялаб, касб-ҳунар ўргатдик. Ҳаммамизда умид, ғайрат ва истиқболга ишонч кучли эди. Ана шу омиллар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим аҳамият

белъ ишлаб чиқараётган замонавий офис, ошхона ва девор мебеллари, шифоньер, трюмо, стол-стуллар чет элликдан қолишмайди. Уларнинг тури 25 тадан ошарди. Боз устига нархи бозор баҳосидан анча арзон. Корхона ўз мебелъ дўконига эга. Унинг маҳсулотлари "Ташаббус-2003" ва "Ташаббус-2004" кўрик-танловларида икки бор туманда 1 ва вилоятда 3-ўринга сазовор бўлган. Кейинги бир йилда корхона Олот туман марказий касалхонасига 3 млн., "Бухоро-нефтегазбаза"га 10 млн., туман Маданият уйига 3 млн. сўмлик замонавий мебелъ жиҳозлари етказиб берди. Фирма ахли кам таъминланган ва эҳтиёжманд одамларга хомийлик ёрдами кўрсатмоқда. Масалан, корхона жойлашган "Зарафшон" маҳалласида 3,5 минг аҳоли яшайди. Шокир Мирзаев шу маҳалладаги эски бир бинони хусусийлаштириб олди, сифатли таъмирдан чиқарди, яхшигина спорт мажмуғига айлантирди. Бунинг учун 10 млн. сўм маблағ сарфланди. Аини пайтда мажмуғда маҳалла ёшлари спортнинг кураш, каратэ, теннис каби турлари билан шуғулланиб, ўз маҳоратларини оширишмоқда. Янги йил арафасида маҳалладаги 20 нафар ногирон ва касалманд қарияларга корхона ҳисобидан байрам совғалари улашди. 18-мактабга 300 минг сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатилди. Тумандаги Мурувват уйи учун 150 минг сўмлик эшик-деэразалар бепул ясаб берилди. Шокир Мирзаев пировардида: — Жамоамиз аҳлининг учдан икки қисмидан кўпроги партия аъзосидир, — дейди Ш. Мирзаев. — Мен уларнинг куч-ғайратига таяниб, яқинда бир гектар қўшимча ер олдим. Фирма икки баравар кенгайтирмоқчимиз. Ушунда янги иш ўринлари янада кўпаяди. O'zLiDeP туман кенгаши раиси ўринбосари Абдусалом Норкулов ўзаро суҳбатимизни қуйидагича ақунлади: — Туманда жами бошланғич ташкилотлар — 25 та. Улар атрофида 440 нафар фаол аъзолар уюштиган. Асосий мақсадимиз турмуш фаровонлигини ошириш, аҳоли орзу-истакларини рўёбга чиқариш, ислохотларни жадаллаштириш йўлида астойдил хизмат қилишдир. Бунинг учун барча имкониятлар ишга асолинади, албатта.

МАЪРИФАТГА ИНТИЛГАН ЖАМИЯТ

ҳар соҳада ўрнатилган бўлади, дейди Тошкент шаҳар Учтепа туман ҳокимлигининг «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси Сурайё Собирова

Жуда тўғри гап. Ҳамфикр ва ҳаммаслак одамларнинг ягона мақсад йўлида самарали фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароит яратиш, содда қилиб айтганда, улар бошини қовуштириш учун етакчида раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилияти бўлиши шарт. Акс ҳолда жамоа шаклланмайди. Сурайё Собирова асли муҳандис. Тошкент техника университетининг муҳандислик механикаси факультетидан таҳсил олган. Айни пайтда республика «Маънавият ва маърифат» маркази Учтепа туман бўлимнинг раҳбари.

Шухрат РАҲИМОВ

— Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошлагач, кўпчилида, жумладан, бизнинг ташкилотимизда ҳам табиий бир қизиқиш уйғонди. Тошкент шаҳар кенгашидан партия Дастури, Низомини олиб келдик. Ўзаро муҳокама қилдик. Шу тариқа марказимизнинг кўпчилиги ходимлари O`zLiDePга аъзо бўлиш истагини билдиришди.

Тўғри, партияга кимларнингдир даввати билан аъзо бўлмайди. Ўз мустақил дунёқарашига эга одамлар онгига таъсир кўрсатиш осон эмас. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган бошланғич ташкилот ва унинг аъзолари ўз мустақил фикри, воқеа-ҳодисаларга нисбатан қатъий нуқтаи назарига эга. Шу боис ташкилот етакчисига мамлакатимизда навқирон партия ҳисобланмиш O`zLiDeP фаолиятини янада жонлантириш учун нима қилмоқ керак, деган савол билан мурожаат қилдик.

— Партия ўз Дастурида белгиланган мақсадларни амалиётга татбиқ этишга қатъий тилан ҳаракат қилапти, — дейди Сурайё Собирова. — Режалар катта ва ҳаётбахш. Аммо уларни амалга ошириш осон эмаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Иқтисодий барқарорликни таъминлаш мурраккаб вазифа. Одамлар тафаккури, дунёқарашини ўзгартириш ундан ҳам мурраккабдир. Баландпарвоз широрлар, қақриқлар билан бирон-бир натижага эришиб бўлмайди. Энг яхши ғоялар ҳам амалий натижа берсагина оммани ўзига жалб эта олади. Шу маъно-



Сурайё СОБИРОВА

1969 йили Тошкент шаҳрида туғилган.

Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Бир қатор ташкилотларда турли лавозимларда ишлаган. Айни пайтда Учтепа тумани ҳокимияти «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари, бошланғич партия ташкилоти раиси.

да O`zLiDeP мамлакатимиз икки палатали парламенти ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар даврида ўзининг нималарга қодирлигини амалда намойиш эта олди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларда етакчи мавқега эга бўлди. Бу жуда катта имкониятдир.

Юқоридики биз амалиёт сўзини кўп ишлатдик. Бу — табиий, албатта. Чунки биз амалиёт асрида яшаймиз. Одамлар ҳар қандай ташкилот ва ҳаракатга унинг амалиёт ва ҳаракатга қараб баҳо берадилар.

— «Маънавият ва маърифат» маркази бошланғич партия ташкилоти бизнинг



Сурайё СОБИРОВА

Партия инсон маънавий сапоҳиятининг ўзлуксиз ўсишини таъминлашга интилади. У замонавий илмий билимпар билан қуролланган ва баркамол инсонни шакллантиришга хизмат қиладиган таълимнинг янги илмий моделига тўлиқ ўтиш жараёнини қўллаб-қувватлайди ва унда фаол иштирок этади. Чунки юксак илмий сапоҳиятга эга бўлган кишипар, давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган тараққийпарвар ва обрўли илмий мактабпаргина жамиятнинг гуллаб-яшнашини таъминлаши мумкин.

O`zLiDeP Дастуридан.

МАШҒУЛОТЛАР ЖОЙЛАРДА ҲАМ ТАШКИЛ ЭТИЛСА...

Маълумки, O`zLiDeP Дастурида иқтисодиётни ислоҳ қилиш, жамият ҳаётини янада эркинлаштириш масаласига кенг ўрин ажратилган. Бугунги кунда партия ўз ғоя ва мақсадларини амалга ошириш, ислохотларни жадаллаштириш йўлида қатъий тилан иш олиб бормоқда. Буни жойлардаги бошланғич ташкилотлар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Уларнинг саъй-ҳаракати билан кам таъминланган, қаровчисини йўқотган оилалар ва ногиронларга имкон қадар ёрдам берилаяпти, болалар спортини ривожлантириш, тиббиёт муассасаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам савобли ишлар амалга ошириляпти.

■ Салоҳиддин НОРҚОБИЛОВ, Ангор туманидаги «Сурхонполиграф» МЧЖ раҳбари, O`zLiDeP аъзоси

Кези келганда бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Партия кенгашлари қошида сиёсий ўқув марказ-

лашган семинар машғулотлари партия фаолларини ғоявий чиниқтиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Машғулотларга партиянинг барча аъзолари таклиф этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Негаки, бугунги ислохотлар жараёни ҳар биримиздан ғоявий-сиёсий етуқликни талаб этмоқда. Қолаверса, тингловчиларни O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши ҳамда партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолияти билан яқиндан таништириб бориш фойдадан холи эмас, деб ўйлайман.

Зеро, сиёсий ўқув машғулотларини намунали ташкил этиш партия аъзолари фаолиятини ошириш, уларнинг сиёсий ислохотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтиришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Чунки партия аъзоларининг ўзлари юксак сиёсий билим, савия, катта тажриба ташкилотчилик қобилиятига эга бўлишмаса, бош-

қорлар ортидан эргаштира олмайдилар. Ташкилотчи билан иш юритилган жойда кўзланган ниятлар ўз-ўзидан рўёбга чиқаверади. Бугунги сиёсий жараёнлар биздан алоҳида масъулият ва фаолликни талаб этмоқда. Бу борада кенг омма орасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти каттадир.

Шуни таъкидлаш керакки, бошланғич партия ташкилотлари ишини ташкил этиш, O`zLiDePнинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш жараёнида тажрибамиз етишмаётгани ҳам сезилиб қоляпти. Мен тарғибот-ташвиқот соҳасидаги ишлар умуман, самара бермаяпти, деган фикрдан йироқман. Бироқ вақт кутиб турмаслигини, бугунги жараён фаоллик ва ташаббускорликни тақозо этаётганини ёддан чиқармаслигимиз керак.

Юртимизда тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар, қўйиники, мул-

дорлар сафи кенгаймоқда. Демак, улар билан ҳамнафас бўлиш, мулкдорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эътиборни кучайтириш, ўқувлар сифати ва самарадорлигини таъминлаш асосий вазифалардан бири бўлиши лозим. Бу, албатта, ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этади. Кишиларнинг кундалик фаолиятида вужудга келаётган муаммоларни ечишда амалий ёрдам кўрсатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кўзланган мақсадларни рўёбга чиқариш учун эса аввало, тинчлик ва осойишталик ҳукмрон бўлмоғи даркор. Юртошимиз Конституция қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганларидек, бир бўлиб бошлар ишларимизни изчил давом эттиришимиз, хонадонларимиз осойишталиги, маҳалларимиз ободлигига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз шарт.

Бугунги ўзбек аёли нафақат оила соҳибаси, балки юртимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркор, фидойи, ташаббускор инсон ҳамдир. Сирдарё вилоятида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоларининг 33,7 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Гулистон туманидаги «Нажмиддин ота» фермер хўжалиги раҳбари, бошланғич партия ташкилоти раиси Дилбар Эркабоева ана шундай изланувчан, сиёсий етуқ фаоллардан бири.

ЕТАКЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

O`zLiDeP Гулистон туман кенгаши раисининг ўринбосари, «Нажмиддин ота» фермер хўжалиги раҳбари, бошланғич партия ташкилотининг раиси Дилбар Эркабоева портретига чизгилар.

Уй юмушларидан ортиб, бутун бошли фермер хўжалигини бошқариш осон эмас, албатта. Қолаверса, бошланғич партия ташкилотининг раиси, O`zLiDeP туман кенгаши раисининг ўринбосари сифатида партиявий-сиёсий ишлар учун алоҳида вақт ажратишга тўғри келади. Д. Эркабоева ўз зиммасидаги ана шу вазифаларни аъло даражада адо этапти, десак, хато қилмаймиз.

— У асли андижонлик. Табиатан тиниб-тинчимайдиган аёл.

— Иқтисодиётни эркинлаштириш ва аҳолини ислохотлар жараёнига кенг жалб этиш Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий мақсадларидан биридир, — дейди Д. Эркабоева. — Тўғри, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг йўл очилган. Афсуски, орамизда «Берсанг ейман, урсанг ўламан», дея томошабин бўлиб турган боқимандалар ҳам йўқ эмас. Биз биринчи навбатда ана шундай одамлар билан ишлашимиз, уларнинг онг ва тафаккурини уйғотишимиз лозим.

Ҳақ гап. Зеро сиёсий уйғоқлик давр талабидир. Ўзингиз ўйлаб кўринг, катта бир оила ташвишларидан ортиб, 51 гектар ер майдонига эга бўлган фермер хўжалигини бошқариш осонми? 2005 йилда давлат хирмонида 150 тонна пахта топширилди. Мирзачўл шариоатида 60 центнердан сара дон этиштирилди. Буни ҳам қўя турайлик. Фермер хўжалиги аъзоларига меҳнат ҳақидан ташқари икки йилга етуқлик бугдой тарқатилгани ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

— Туманимизда 900 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаёпти, — дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. — Хусусий тадбиркорларнинг ўзи 2 минг нафардан ошади. Бу ёмон кўрсаткич эмас, албатта. Одамларни ўз сафимизга янада кенгроқ жалб этишимиз, ишбилармон ва тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун барча имкониятларни яратиб беришимиз лозим. Токи улар ўз ортларида O`zLiDePдай катта сиёсий куч борлигини ҳис этиб туришсин.

Дилбархон фаол ғоявий етакчи бўлиш билан бирга O`zLiDePнинг чинакам фидойиларидан биридир. Буни унинг ўтган йилги пахта йиғим-терими мавсуми давридаги фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳашарчилар ўртасида партиянинг ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратди, улар ўртасида турли тадбирлар уюштиришда бошқош бўлди. Самара, чакки бўлмади. Бугунги кунда туманда O`zLiDeP аъзолари сони 135 нафарни ташкил этаёпти. Улар сафи тобора кенгаймоқда. Чунончи, яқинда 2-умумтаълим мактабининг бир гуруҳ ўқитувчилари ихтиёрий равишда партия сафига киришгани эътиборга моликдир. Бу борада, шубҳасиз, аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот ишларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

— Дилбархон яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгашининг масъул ходими Гулдаста Мамасолиева. — Яъни ўзи раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги ҳисобидан 5 гектар ер майдони ажратиб, «Ёш фермерлар тайёрлаш мактаби»ни ташкил этди. Бу унинг изланувчанлиги ва ташаббускорлигига яна бир далилдир.

Ҳар қандай партия ўз дастурида белгиланган мақсадларни жойлардаги фаоллар орқали амалга оширади. Уларнинг ғоявий-сиёсий етуқлиги эса ютуқлар гаровидир. Биз гулистонлик Дилбар Эркабоева етакчилигидаги ташкилот фаолияти билан танишарканмиз, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Илова учун масъуллар:
Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ.

Яхши шароит яхши ўқишни тақозо этади

«ЁШЛИК» ШАҲАРЧАСИДАГИ БЕТИМСОЛ ЎЗГАРИШЛАРДАН ТАЛАБАЛАР МАМНУН ВА МИННАТДОР

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда амалга оширилган кенг кўламдаги қурилиш, ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари натижасида қисқа фурсатда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси бутунлай янги қиёфа касб этди. Эндиликда замон талаблари асосида қайта қад ростлаган бинолар — талабалар тураржойлари, спорт иншоотлари, хизмат кўрсатиш объектлари кўзни қувонтиради. Яқин-яқингача деразаю ойналари синиб, эшик-деворлари пугурдан кетган бефайз «ётоқхона»лар энди ўтмишга айланди.

■ Назокат УСМОНОВА, Ўза муҳбири



Бугунги кунда шаҳарчада ёшларнинг ўқиши, яшashi, дам олиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шароит муҳайё. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, чеварлик устахоналари, талабалар поликлиникаси ёшлар хизматида. Янги спорт мажмуалари ва сувиш ҳавзалари барпо этилаётди. Айна кунларда ушбу маскан киши таътилдан қайтган талабалар билан гажум. Бу ерда Тошкент давлат юридик, авиация, молия, санъат институтлари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ҳамда талай академик лицей ва касб-хунар коллежларининг талабалар турар жойлари мавжуд. Шаҳарча ҳудудидаги жами йигирма олти таълим муассасасида қирқ минг нафардан зиёд талаба ва ўқувчи таълим олади. — Биз, ёшлар учун яратилаётган бундай қулай имкониятлар, кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик ва этиборга жавобан пухта билим эгаллашимиз, жамоат ишларида янада фаол иштирок этишимиз, эл-юртимизнинг қорига ярайдиган фарзандлар бўлиб етишимиз лозим, — дейди Ўзбекистон миллий университети тарих факультети талабаси Зилола Набиева. Мазкур дорилфунунга қараши 4-талабалар турар жойида бўлди. Хоналар озодалиги, саранжом-саришталиги ва яшаш учун барча шароитнинг муҳайёлиги билан кўзни қувонтиради. Ундаги ошхона, кутубхона, спорт, ювениш, дам олиш хоналари замонавий техник ус-

хонда камдан-кам мамлакатларда учрайдиган шундай гўзал гўша — Талабалар шаҳарчасидаги дорилфунунда ўқиётганимдан фахрланаман. Президент Ислам Каримов ёшларнинг пухта билимли бўлиб камол топиши борасида қилаётган ғамхўрликлари таҳсинга лойиқдир.

Тошкент давлат техника университетининг 71-талаба қизлар турар жойида бўлган киши бу ерда яшайдиган ёшларга ҳавас қилиши тайин. Бир юз саксон тўрт нафар қизга мўлжалланган бино жуда файзли ва шинам. Унда ота-оналар хоналари, тиббий кўрик хоналари, тренаж зали, ошхона ва бошқа хоналарда дарсдан бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Мазкур университет нефть ва газ факультетининг учинчи босқич талабаси Гулжон Тўртқўлбоева Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот туманидан.

— Биз, ёшларнинг порлоқ келажакни ўйлаб амалга оширилаётган бу эзгу ишлар нафақат талабаларнинг, балки олисдаги ота-оналаримизнинг ҳам қувончига қувонч қўшмоқда, — дейди у. — Яратилаётган қулайликлар бизни янада яхши ўқишга, илғор ва фаол бўлишга ундайди. Айна пайтда бундай шароит ва имкониятларнинг қадрига етиб, асраб-авайлашимиз зарур.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзолари орасида ўз ишининг ҳақиқий усталари талайгина. Улардан бири пешқўлик Қудратилло Қодировдир. Унинг асли касби муҳандис-механик бўлиб, қатор йиллар мобайнида Бухоро шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналаридан бирида фаолият кўрсатган.

Бир йигитга қирқ хунар оз

■ Асхор ИСТАМОВ

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда фермерлик ва тадбиркорлик ҳаракати кенг қулоч ёя бошлагач, Қудратилло ҳам амалий ишларга дадил қўл урди. Ун йилча олдин шарқ ширинликларини тайёрлаш бўйича орттирган тажрибаси бу борада унга қўл келди. Шахсий жамғармасини ҳам тадбиркорлик йўлида сарфлади. Қарабсизки, натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Тумандаги «Маданият» ширкат ҳўжалиги томонидан Қудратилло Қодиров ва унинг издошларига 10 гектар ер ажратиб берилди. Агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш дастлабки йиллик ғалладан ва пахтадан юқори ҳосил етиштириш имконини берди. Олинган даромад эса «Жўғаро боло» фермер ҳўжалиги иктисодиётини мустаҳкамлаш учун сарфланди.

Эл-юрт манфаатлари йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиш, тинимсиз изланиш, шу тарика ўз олдида қўйган мақсадларига эришиш Қудратиллонинг эзгу широридир. Унинг галдаги режаларидан бири туман маркази — Янгибозорда теннис корти қуриш эди. Ҳамкасби Аҳтам Акрамов бу фикрни қўллаб-қувватлади. Бирлашган ўзар, деган гап бор. Атиги бир неча ой ичида қултуғ ният ушалиб, янги спорт маскани ёшлар ихтиёрига топширилди.

Биз юқорида Қудратилло Қодиров ўз тадбиркорлик фаолиятини шарқ ширинликларини тайёрлашдан бошлаганини бежиз тилга олиб ўтмадик. Гап шундаки, айна кунда ушбу маҳсулотлардан қўллаб буюроликлар ва қадимий шаҳар меҳмонлари тўла баҳраманд. «Дилқушо» акциядорлик жамияти қошида очилган янги цехининг маҳсулотлари ўзининг мазаси ва юқори сифати билан ажралиб туради. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган ширинликлар тури 50 тадан ошади.

Кўп тармоқли «Жўғари боло» фирмаси эришаётган муваффақиятлар замирида тинимсиз меҳнат, узлуксиз изланиш мужассамдир. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси Қудратилло Қодиров давр руҳини чўқур ҳис этади. Зеро, ҳар қандай раҳбарнинг масъулияти унинг ташаббускорлиги ва ижтимоий фаоллигида намоён бўлиши ўз-ўзидан маълум. Пешқўлик бу тадбиркорнинг сўзи билан иши бир. «Ташаббус — 2005» кўрик-танлови вилоят босқичида биринчи ўринни қўлга киритганилиги, республика миқёсидаги беллашувда эса совриндорлар сафидан жой олганлиги фикримизни тасдиқлаб турибди.

Бугун тадбиркорлар олдида янги уфқлар очилмоқда. Демак, ютуқлар салмоғи янада қўпайди. Яқинда акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»нинг Бухоро филиали томонидан фирмага қўшимча кредит маблағи берилган бўлди. Шунингдек, Жўғари боло қишлоғида кичик бизнесни ривожлантириш учун қўшимча ер майдони ажратиб бериш кўзда тутилмоқда. Тадбиркорлар қишлоқ ҳудудида маънавий хизмат уйи, ҳаммом, ҳақимлик маскани барпо этишни режалаштиришган.

Режиссёрдан ажойиб тухфа

Нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам танилган режиссёр ва клипмейкер Баҳодир Йўлдошев шу кунларда ўзининг илк фильми — «Баландлик»ни суратга олиш ишларини яқунлаш арафасида. Режиссёрнинг сўзларига қараганда, шу ой охирида фильм монтажга берилади ва бу иш Голливуднинг афсонавий «Юлдузлар жанги» киносига қўлланган замонавий монтаж воситаларида амалга оширилади.

— «Баландлик» оддий картина эмас — у триллер ва экшн йўналишидаги тарихий-психологик драматир, — дейди Баҳодир Йўлдошев.

Фильмдаги воқеалар иккинчи жаҳон уруши даврида Тинч океан оролларида бирида кечади. Унда Окинава яқинидаги орол мудофасига жўнатилган оддий япон аскарининг ватанга бўлган садоқати, меҳр-муҳаббати, руҳий кечинмалари турли манзаралар орқали ҳикоя қилинади.

Фильмда Сейдулла Молдахон, Анвар Кенжаев, Равшан Намозов, Александр Цой каби истеъдодли актёрлар суратга тушганлар. Шунингдек, ҳам айтиш лозимки, ўзбек киномуҳлислари бугунги кунда замонавий фильмларда кенг қўлланилаётган махсус эффектларга «Баландлик»да ҳам дуч келадилар.

— Биз Ўзбекистонда ҳам блокбастер ва оммавий бўлишга арзирли фильмни суратга олиш мумкинлигини кўрсатиб қўймоқчимиз. Яшириб ўтирмаймиз: у тижорий мақсадда суратга олинган. Биз катинани Россия ва Қозғистонда ҳам намойиш этмоқчимиз. «Баландлик»ни нуфузли кинофестивалга жўнатиш ниятимиз ҳам йўқ эмас, — дейди режиссёр Баҳодир Йўлдошев.

Таникли ўзбек режиссёри илк фильмининг асосий қисми Жиззах вилояти яқинидаги Айдарқўлда суратга олинди.

Шу заминнинг тузини тотдим...

Рональд Девук Хонг, 1962 йилда Сеул шаҳридаги Данкук университетини тамомлаган. Мутахассислиги — ортопед-протезист. Дастлаб Кореядаги Муқаддас Мария клиникасида, сўнгра Америка Қўшма Штатларининг Детройт, Мичиган ва Ротчестр клиникаларида фаолият олиб борган. 1994 йилдан буён Ўзбекистонда ногиронларни протезлаш бўйича хайрли ишларни амалга оширмоқда. Рональд Хонг ўзининг бу борадаги фаолияти учун Корея ҳамда Ўзбекистон ногиронлар жамиятлари ва халқаро хайрия ташкилотлари томонидан турли даражадаги дипломлар, фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

■ Сайёра ТУРҒУНБОЕВА

— Нафақатга чиққач, дунёнинг бошқа ҳудудларидаги мутахассислар билан ҳамкорлик қилишни дилимга тугиб қўйгандим. Хитой Халқ Республикасида келган тақдирлардан сўнг ҳукумат дастури асосида ушбу мамлакатга борадиган бўлиб, сафар тараддудини кўра бошладим. Шундай кунларнинг бирида россиялик касбдошларим мени Москвадаги протез ишлаб чиқариш заводига тақлиф қилиб қолишди. Тақдирини қарангки, ташриф чоғида бир ўзбек йигити билан танишиб қолдим. Унинг софдиллиги, ногирон ватандошлари ҳақида қайғуриб гапириши, қолаверса, ўзим хали билмаган бир мамлакатни кўриш иштиёқи режаларимни тубдан ўзгартириб юборди. Ўзбекистонга келгач, республика меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири билан учрашдик. Вазири менинг ногирон эканлигимга ишонмади. Оёғимдаги протезни кўрсатганимда, у хайратга тушиб, «Харакатларингиз жуда енгил-ку? Велосипед ҳам ҳайдай оласизми?» — деб сўради. Велосипедни бемалол ҳайдай олишимни билгач, мамнуният билан: «Сиз нафақат мутахассис, балки ногиронларни яхши тушунадиган инсон сифатида юртимизга келсангиз ва уларга

шифокор учун оғир бўлса керак. Чунки ногирон инсон энди ҳеч қачон атрофидаги соғлом одамлар каби эркин ҳаракатлана олмаслигидан қаттиқ сиқилди. Бир воқеани сизга айтиб берай. Ёшгина қиз автофалокат туфайли икки оёғидан айрилиб қолади. Ҳўшига келганда ҳамма гапни эшитишга, ўз жонига қасд қилмоқчи бўлади. Клиникамизга олиб келишганда у оғир тушунлик ҳолатида эди. Бошидан шундай кунларни кечирган бир инсон сифатида беморнинг руҳиятини кўтаришга, унда яшашга иштиёқ уйғотишга ҳаракат қилдим. Бундай пайтларда нафақат

раёндан ўтиши керак. Даставвал протезнинг аҳамияти ва афзалликлари ҳақида зарур тушунча берамиз. Шундан сўнг тананинг жароҳатланган қисмларига қараб, тиббий ускуна тайёрланади. Бу ўзига хос индивидуал жараён. Тайёрланган протезга кўниқиш учун бемор тегишли машқларни бажариши керак. Таассуфки, айрим беморлар протез кўйилганидан кейин узок вақт тиббий кўриқдан ўтмайдилар. Бу яхши эмас. Чунки ускунадан нотўғри фойдаланилса, жароҳат ўрнида турли яра-чақалар пайдо бўлади. Уни даволаш узокқа чўзилишини унутмаслик лозим.

— **Мана, янги йил ҳам бошланди. Ўтган йил мобайнида амалга оширилган ишлардан кўнглингиз тўлдими?**

— Уринли савол. Албатта, инсон ҳеч қачон ўз фаолиятдан қониқмаса керак. Шундай бўлса-да айтаман: бултур 143 та умумий протез таъмирини амалга оширдик, беморларга 19 та тос, 17 та болдир, 2 та қўл протези, 6 та оёқ ускунаси, 7 та корсет, 7 та тугтор қисмлари ўрнатилди. Шунингдек, 8 та ногиронга замонавий аравача тухфа қилдик. Айна кунда клиникамизда компьютер курслари ташкил этилган. Таълим жараёни — бепул. Умуман амалга ошираётган барча ишларимиз фақат ва фақат ногиронлар учундир.

— **Бундай хайрия тадбирлари қатта маблағни талаб этади, албатта. Фаолиятингизни амалга ошириш учун Сизга қиммат ёрдам берадими?**

— Айтишим керакки, клиникамиз хайрия мақсадида ташкил этилган. Аввалига журналга шу ҳақда эълон берганмиз. Хан Ки Ён исми тадбиркор бизга битринчилар қаторида беминнат ёрдам кўрсатди. Вақт ўтган сайин бундай тақлиф-



ёрдам берсангиз, айна муддао бўларди, — дея умид билдирди. Уйга қайтгач, бўлган воқеани рафиқам ва фарзандларимга сўзлаб бердим. Аввалига улар Ўзбекистоннинг узоклигини баҳона қилиб, бу тақлифга рози бўлишмади. Лекин мен ўз фикримда туриб олдим. Шу тарика серкўш ўлкангизга келиб қолганмиз. — **Кўп йиллардан буён протез қўйиш ва таъмирлаш бўйича иш олиб борасиз. Айтинг-чи, Сиз танлаган соҳанинг мураккаблиги нимада намоён бўлади?**

— Беморнинг руҳий азоб-ланишини кўриш ҳар бир

АҚШ

Оқ уй раҳбарига ишончсизлик

АҚШ СЕНАТИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ҚҶМИТАСИ РАҲБАРИ АРЛЕН СПЕКТОР ПРЕЗИДЕНТ ЖОРЖ БУШГА ИМПИЧМЕНТ ХАВФ СОЛАЁТГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

Агар сенатда февраль ойида ўтадиган мажлисларда Жорж Бушнинг махсус хизматга суд санкциясиз фуқароларнинг телефондаги сўзлашувларини эшитишга рухсат бериб, қонунни бузгани исботланса, бу жараён тезлашиши мумкин.


■ **Қахрамон ҚҶЛДОШЕВ**

Оқ уй раҳбарига машҳур республикачилардан бирининг қарши чиқаётгани мазкур партия ҳозирданок 2008 йилги президент сайловларига тайёргарликни бошлаганидан далолат беради албатта.

Утган яшанба куни ABC телеканалида эфирга узатилган "Республикачилар — импичмент тарafdори" мавзудаги "Шу ҳафтада" дастури АҚШдаги энг йирик воқеалардан бирига айланди, дейиш мумкин. Шу иш бошида турган республикачи сенатор Арлен Спектор февраль ойи бошидаёқ ўзи ва ҳамкасбларининг телефондаги сўзлашувларини махфий эшитганлари сабабли қонун ва инсон ҳуқуқлари поймол этилганини аниқлаш учун мажлис ўтказишни билдирди.

Гап шундаки, 1978 йилда қабул қилинган разведка фаолияти тўғрисидаги актга муво-

фиқ, телефон сўзлашувларини суднинг рухсатисиз фақат 48 соат мобайнида, унда ҳам махсус хизмат ордери бўлган тақдирда эшитиш мумкин. Бироқ 2001 йил 11 сентябрдаги воқеалардан сўнг Жорж Буш қонун эскирганига ишора қилиб, суд органларини хабардор этмасдан, шахсан ўзи махсус хизматга телефондаги сўзлашувларни эшитишга кўрсатма берганди. Айни пайтда Оқ уй маъмурияти терактлардан сўнг конгресс президентга "терроризмга қарши курашишда барча зарур чоралардан фойдаланиш"га имкон берувчи резолюция қабул қилганини таъкидлаб, давлат раҳбарини оқлашга уринмоқда. Аммо сенатор Спектор конгресс резолюцияси президентга разведка фаолияти тўғрисидаги қонунни бузишга ҳуқуқ бермаганига ишончи қомиллигини билдираётти.



ҚОНУНБУЗАРЛИК

УКРАИНА

Сиёсий инқироз палласида

ХАЛҚАРО ҚУЗАТУВЧИЛАРНИНГ ФИКРИЧА, УКРАИНАДАГИ СИЁСИЙ ИНҚИРОЗ ТОБОРА ЧУҚУРЛАШИБ БОРМОҚДА.

Россия билан 2005 йилнинг нихоясида бошланган газ можаросидан кейин Олий Рада ва ҳукумат ўртасида авж олган қарама-қаршилиқнинг охири тугамайдиган кўринади. Маълумки, ўтган ҳафта мамлакат парламенти ҳукуматни истеъфога чиқариш тўғрисида қарор қабул қилганди. Бироқ президент Юшченко ва бош вазир Ехануров бундай қарорнинг қонуний кучга эга эмаслигини айтишди. Ваҳоланки, давлат тўнтариши амалга оширилган пайтда эришилган келишувга кўра президент-парламент бошқарувидан парламент-президент бошқаруви кўринишидаги давлатга айланиши керак эди. Бироқ амалдаги президент ҳокимиятни қўлдан бергиси келмай, ўзининг ваколатларини чеклайдиган сиёсий ислохотларни бекор қилиш ҳақида референдум ўтказиш лозимлигини эълон қилди. Аммо, қузувчилар Виктор Юшченко ўз қўлидан аста-секин чиқиб бораётган ҳокимият тизгинини ушлаб қолишга қодир эмас, дея фикр билдирмоқдалар.

қор қилиш заруратини ҳужжатда кўпол хатоларга йўл қўйилгани билан изохламоқда. Украина қонунларига амал қилинса, фақат Конституциявий судгина ислохотларнинг ҳаттолигини эътироф этиш ҳуқуқига эгадир. Шу боис, кўплаб сиёсатчилар, бундай ташаббус ҳеч қандай ҳуқуқий натижага эга бўлмаслиги мумкинлигини билдирмоқдалар. Гап шундаки, бугунги кунда Украинада Конституциявий суд фаолият юритмаётти. Чунки лозим бўлган 18 нафар судьядан бор-йўғи олти нафари сайланган. Парламент эса ўтган йилнинг ўзидеёқ бошқа судьяларни тайинлашдан бош тортган. Шундай қилиб, президент ва парламент ўртасидаги можаро буткул ечимлашган муаммо бўлиб қолаётти. Бузоқнинг югургани сомонхонага, деганларидек, "зарғалдоқ инқилоб"чилар бир йил ичида тарқаб кетиши ва президентнинг кечаги иттифоқчилари томонидан назорат қилинаётган парламент бугун унинг ҳар бир қадамига тўғаноқ бўлиб, имкон бўлди, дегунча унинг қўлидан ҳокимият жилловини тортиб олишга уринмоқда. Қузувчиларнинг фикрича, Украина давлат раҳбари, бир томондан, Радани тарқатиб юборишга, иккинчи томондан эса унинг иштирокисиз янги Конституцияни қабул қилиш орқали ўз ваколатини саклаб қолишга умид боғламоқда. Аммо унинг бу ишга қурби етмаслиги бир неча сабабга кўра аён бўлиб қолмоқда. Биринчидан, кенг жамоатчилик орасида Виктор Юшченконинг тарafdорлари унчалар кўп эмас. Иккинчидан, унга тиргак бўладиган ишончли кучлар ҳам йўқ. Учундан, куч қўлланиш салоҳиятига эга вазирларга, аввало, ички ишлар вазири, Социалистик партияга мансуб Юрий Луценкога ҳам суяна олмайдди. Чунки социалистлар учун сиёсий ислохотлар ҳар доим устувор масала бўлиб келган, аниқроғи — мазкур партия етакчиси Александр Мороз президент сайловлари чоғида парламентар республика бошқарувига ўтиш шарти билан Юшченконни қўллаб-қувватлаган эди. Хуллас, Украинада ҳокимият учун кураш яқин орада тугамайдиган кўринади.

■ **Шерзод АРАПОВ**

Шундай бўлса-да, Украина президенти ўтган ҳафтани ўта ишчан кайфиятда ўтказди. Биринчидан, Остонада Қозғистон президенти Нурсултон Назарбоевнинг инаугурацияси маросимида қатнашиб, Россия президенти Владимир Путин билан музокара ўтказган бўлса, иккинчидан, етакчи телеканаллар экранларидан тушмади, шанба куни эса радио орқали мамлакат аҳолисига мурожаат билан чиқди. Бу хитобнинг асосий мавзуси 1 январдан кучга кирган конституцион ислохотларнинг мазмунига бағишланди. Президент "украин давлатчилиги пойдеворини емирадиган бундай ислохотлар"ни тўхтатишга ургу бериб, унинг матнини умумхалқ овозига қўйишни маълум қилди. Лекин, парламент сайловлари арафасида шундоқ ҳам кескинлашиб бораётган вазиятда оловга яна мой қуймаслик учунми, уни ўтказиш муддатини маълум қилмади.



Аслида Украина президентининг бошини қотираётган ислохотлар дастури кеча пайдо бўлгани йўқ. Украина Олий Радаси 2004 йилнинг 8 декабрида "зарғалдоқ инқилоб"нинг авж палласида мамлакатни президент республикасида парламент-президент бошқаруви амал қиладиган сиёсий ислохотни тасдиқлаган, бунинг натижаси ўлароқ собиқ президент Леонид Кучма ва мухалифат ўртасидаги музокаралар муросасозлик билан якун тоған эди. Шу йилнинг 1 январидан кучга кириши лозим бўлган конституцион ўзгаришларга мувофиқ парламент ваколати анча кенгайди: депутатлар бош вазир,

мудофаа, ички ишлар вазири, хавфсизлик хизмати раиси ва бошқа ҳукумат аъзоларини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Виктор Юшченкони аввал бошдаёқ Леонид Кучма илгари президент қониқтирмаган, бироқ "зарғалдоқ инқилоб"и шароитида у ҳокимиятдан кетаётган ҳукумат билан муносабатларни кескинлаштирмаслик мақсадида бу ўзгаришларни қабул қилган эди. Яъни Юлия Тимошенко бошлиқ ҳукуматнинг истеъфоси билан тугаган қарама-қаршилиқ пайдо бўлгунга қадар деярли бир йил мобайнида мазкур сиёсий ислохотни муҳокама қилишни лозим кўрмади.


Эътибор беринг: давлат тўнтариши содир этилган пайтда Фарб дунёси уни демократиянинг тантанаси, дея баҳолаган эди. Лекин тўнтариш бошида турганлар бугун демократия тамойилларини бузётган, унга рияз эътибор билансалар-да, хориждаги "ҳомий"лар бунга сукут сақламоқдалар. Қани улар давво қилаётган демократия? Ваҳоланки, ўтган бир йил мобайнида Украинада коррупция, жиноятчилик янада чуқур илди оғди, иқтисодий ўсиш кунпая-кун бўлди. Бунга ким жавоб беради?

Шундай бир шароитда Юшченко ўзи учун фойдали бўлмаган ислохотларни бе-

ЗИДДИЯТ

ЭРОН

Бугун халқаро майдонда Эроннинг ядро дастури энг "қайноқ мавзу"лардан бири бўлиб қолмоқда. Халқаро атом энергияси агентлиги (ХАЭА) ва Фарб давлатларининг тақиқларига қарамай, урanni бойитиш бўйича тадқиқотларни давом эттираётган Эрон АҚШ ва Исроилнинг ҳужумига тайёрланаётганини яширмапти.



ТАФИЛОТЛАР

Миш-мишми, ҳақиқат?

■ **Шерзод ЭРАЛИЕВ**

Мамлакат президенти Махмуд Аҳмадинажд анъанавий чиқишларидан бирида Техрон АҚШ ва Европа Иттифоқининг Эрон масаласини БМТ Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига қўйиш ҳақидаги таҳдидлардан кўрқмаслигини ва ўз ядро дастурини ривожлантиришдан асло қайтмаслигини маълум қилди. Бундан ташқари, Эрон Ташқи ишлар вазири, агар Фарб ўз сўзида туриб олса, ХАЭА билан ҳамкорликни бас қилиши мумкинлиги ҳақида баёнот берди. Айни пайтда бутун мамлакат бўйлаб аҳолини урушга руҳан тайёрловчи кенг қамровли кампания бошлаб юборилди.

қатъийлашиб бормоқда. Армия қўмондони генерал Атолла Саломийнинг "қуролли кучлар ҳар қандай ҳужумни даф этишга тайёр ва қодир" деган гаплари радио ва телевидение эфирларидан тушмаяпти. Аҳолини психологик тайёрлаш ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳини кўтариш ишлари ёппасига олиб борилмоқда. Улкан плакатлар халқни сафарбарликка ва ёв ҳужумига жасорат билан зарба беришга чорламоқда.

Фарбга қарши туриш Эроннинг барча маҳитларидаги ибодатнинг асосий мавзусига айланди, деб хабар беради Коммерсантъ нашри. Расмийлар Фарб Техронга қарши психологик уруш бошлагани ва бунга қарши аҳоли ўзининг ядро дастурини ишлаб чиқишга бўлган ҳуқуқини жасорат билан ҳимоя қилишга тайёр туриши кераклиги ҳақида бонг ураптилар.

Эрон оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари қачон уруш бошланиши мумкинлигини қизгин муҳокама этмоқдалар. Баъзи таҳминларга кўра, уруш Эронда янги йил — Наврўз олдидан бошланиб кетиши эҳтимоли бор. Peik net сайтнинг ёзишича, Conplan 8022 дея, қодли ном берилган америкаликлар операцияси Эроннинг Туркия ва Озарбойжон билан чегара худудларидан бошланиши мумкин.

— Европаликлар, агар биз ўз ядро дастуридан воз кечсак, мамлакатимизга ядро ёнилгисини етказиб беришни ваъда қилишмаяпти. Лекин улар қундалик зарур дори-дармон сотишдан бош тортаётган бир пайтда биз бундай ваъдага қандай ишонимиз керак?! Биз ўз ҳуқуқимиздан воз кечмаймиз, — дея баёнот берди президент Аҳмадинажд.

Уруш ҳақидаги ушбу миш-мишларнинг тўғри-нотўғрилигини қатъий назар, бир нарс аниқ: Эрон янги уруш гоёси билан яшапти. Қатарнинг "Al Jazeera" телеканали кейинги ҳарбий ҳаракатлар саҳнаси Эрон эканлиги аниқ, дея маълумот тарқатди. Нафақат аҳоли, балки ҳукуматга алоқадор банк муассасалари ҳам санкциялар ва қуролли можаро эҳтимолидан қўчиб, Фарб банкларидидаги ўз сармояларини мамлакатга қайтариб олмақдалар.

Президент ядро қуролига эга давлатларнинг бундай тазйиқ ўтказишга ҳақлари йўқлиги ҳақида ҳам узоқ гапирди.

Айни пайтда фарбиқ дипломатлар тез орада Эронга қарши ҳарбий операция уюштирилиши мумкинлиги ҳақидаги ОАВ хабарларини шошилиқ тарзда инкор эта бошладилар. Жумладан, АҚШ давлат котиби Кондоллиза Райснинг айтишича, муаммони куч ишлатиш билан ҳал қилиш масаласи ҳозирча кун тартибига қўйилгани йўқ. Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро эса халқаро ҳамжамият можародан чиқишнинг барча йўлларини қидирмоқда, деди.

Бир сўз билан айтганда Эрон расмийларининг баёнотлари тобора

БМТ

Қарздорлар овоз беришдан маҳрум

Грузия, Молдова ва Тожикистон БМТ олдидаги ўз молиявий мажбуриятларини бажармагани учун Бош Ассамблеяда овоз бериш ҳуқуқидан бебаҳра қолиши мумкин.

шарт. Бунинг учун Молдова 38 минг 100, Грузия 5 миллион 409 минг, Тожикистон эса 1 миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ тўлаши керак. Бироқ Бош Ассамблея ўтган йил охирида Грузия ва Тожикистон ҳамда яна етти давлатнинг БМТ билан маълум сабабларга кўра ҳисоблашишга қурби етмаслигини маълум қилди. Шу боис мазкур мамлакатларда Бош Ассамблеянинг 60-сессияси охирига қадар овоз беришларда иштирок этиш ҳуқуқи сақланиб қолди. Молдова эса бундан маҳрум бўлди. Интерфаксининг хабар беришича, у фақатгина минимал аъзолик бадалини тўлаганидан кейингина овоз бериш ҳуқуқини қайтариб олиши мумкин.

Бу ҳақда БМТ низомининг 19- банди таъкидланган. Ўз ҳуқуқларидан маҳрум бўлмаслик учун қарздор давлатлар зарур тўловларни минимал даражада бўлса ҳам амалга оширишлари

ПОКИСТОН

АҚШ ҳарбийлари томонидан Покистоннинг Афғонистон чегарасидаги қишлоғи ўққа тутилгани минглаб кишиларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди.

ҳам зарба нишони Завахрий бўлганини тасдиқламапти. Покистон ҳукумати эса бу ерда Айман Завахри бўлгани тўғрисида ахборотга эга эмаслигини таъкидлади. Бу ҳақда Риа-Новости хабар беради. Дамадол қишлоғи аҳолисининг сўзларига кўра зарба оқибатида фақат маҳаллий тинч фуқаролар ҳалок бўлишган. Бу

Омма норози

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида хабар берилишича, ракета зарбаси чоғида 18 нафар одам ўлган, улар орасида аёллар ва болалар ҳам бор. Маълумотларга кўра, мазкур ҳужум МРБ кўрсатмасига кўра "Ал Қоида"нинг иккинчи рақамли етакчиси Айман Завахрийни йўқ қилиш учун уюштирилган. Бироқ Вашингтон ҳам, Ислмобод

воқеадан сўнг мухалифатчи партиялар ўтказган намойишга амалдаги ҳукуматни бошқараётган Муслмонлар лигаси партияси ҳам қўшилди. Мазкур партия ҳужум орқали Покистон чегаралари ноқонуний бузилган, деб изохлаб, расмий Вашингтонни бу каби ҳужурлар Покистон ва АҚШ муносабатларига салбий таъсир кўрсатиши тўғрисида огоҳлантирди.

2006.19.01 03 (109) Пайшанба

ЭТИҚОД

Бетакрор футболчининг ягона армони

Спортдаги фаолиятига яқун ясаётган футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг кўп йиллик сардори ҳақида икки оғиз сўз



Ҳар куни юзлаб, минглаб одамларнинг тақдири, ҳаёти, турмуш тарзи ва ўзига хос жиҳатларига рўбарў келишимиз мумкин. Бироқ улар орасида шундайлари ҳам учрайдики, таърифи беришга тил охирик қилади. Куни-кеча футболчилик фаолиятини яқунлаганлигини маълум қилган миллатимиз гурури — Миржалол Қосимовни ана шундай инсонлар қаторига киритиш мумкин.

Шухрат Хўжаев

Халқро микёсда қатор ютуқларга эришиб, шухрат чўққисини забт этган бўлса-да, оғир жароҳатлар етгани

га, қолаверса, ёши ўтиб қолганига қарамай, ўзбек футбол раёнаки учунматонат билан курашди. Қизиги шундаки, мақолаимиз қаҳрамони спортчи сифатидаги фаолиятини бошлаганида туғилган боилар бундан бир-икки йил аввал (яъни Қосимов ҳали-ҳамон қитъанинг машҳур дарвозабонларини доғда қолдириб юрган пайтда) етук футболчи бўлиб етишдилар.

Ишқибозларнинг ёдида бўлса керак: йигирманчи асрнинг 80-йиллари охирида собик иттифоқ терма жамоалари таркибиде кетмакет ютуқларга эришган Миржалол 1994 йили Ўзбекистон терма жамоаси билан биргаликда Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинлари голиби бўлди. Ундан ташқари, Россия, БАА ва Ўзбекистон клубларида муваффақиятли иштирок этиб, нуфузли совринларни қўлга киритди. Ачинарлики шунки, футбол бўйича Ўзбекистон термасига асос солинганидан буён унинг таркибиде тўп суриб келаётган Миржалол миллий жамоаси сафида жаҳон чемпионатида иштирок этиш орзусини рўйбга чиқара олмади. Ким билади дейсиз: термаизнинг Бахрайнга қарши ўша машҳур ўйинида япониялик ҳакам пеналтидан киритилган тўпни ҳисобга олганида, айни пайтда Миржалол ва унинг «компания»

си Германияга жўнаш тараддудини кўришаётган бўлармиди...

Ўзбекистон Футбол федерацияси (ЎФФ) юртимиз футбол тарихида ўчмас из қолдирган ушбу спортчини кузатиш тадбирларини тантанали равишда ўтказишни режалаштираётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. ЎФФдан олинган хабарларга кўра, Миржалол Қосимовнинг терма жамоа билан хайрлашиш маросими 22 февраль куни — миллий жамоамизнинг Осиё чемпионати саралаш баҳси доирасида Бангладеш термасига қарши ўйинида ўтказилади. Жорий йилнинг ёзида эса машҳур футбол юлдузлари иштирокида Қосимовнинг катта футбол билан хайрлашишига бағишланган шоу ўтказилиши кутилмоқда.

Дарвоқе, 35 яшар Қосимов футболдан бутунлай кетмайди. У ўз фаолиятини яшил майдоннинг ўзида — Муборакнинг «Машъал» жамоаси мурабийлари таркибиде давом эттиради. Чунончи, Миржалолнинг ЎФФ ходимларига берган интервьюсида: «Бу ҳақда бир нима дейишга ҳали эрта, аммо бир кун келиб, балки мен ҳам терма жамоага мурабий бўлиб қоларман» деган гаплари кўпчилик мухлислар қалбиде илқ туйғу уйғотган бўлса, ажабмас.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

Кўй. Ҳафта давомида ишбилармон доиралар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, таълим олиш ҳамда сафар уюштириш борасидаги фаоллигиниз ортиши кутилмоқда. Мухим ҳужжатларни имзолаш ҳамда жиддий қарорга келиш чоғида шошилманг. Акс ҳолда алданиб қолишингиз ҳеч гапмас.

Бўзоқ. Истеъдодингизнинг очилмаган қирраларини кўрсатиш учун қулай ҳафта. Зеро, шу кунларда гоёларингизни бошқаларга тарғиб қилиш анча осон кечади. Аммо хавфсизлигингиз борасида айрим муаммоларга дуч келишингиз кутилмоқда.

Эгизаклар. Анча аввал пул тикиб кўйган ишингиздан, ниҳоят, фойда ола бошлайсиз. Қолаверса, режалаштирилаётган хизмат сафари ҳам мўмай даромад олишингиз кутилмоқда. Шу тарихи оилангиз ва ҳамкасбларингиз орасида қадрингиз тобора ошаётганини ҳис қиласиз.

Қисқичбақа. Қалбингизда хорижий мамлакатлар бўйлаб сайру саёҳат қилиш истаги жўш уриб турган бўлса-да, соғлигингиз ёхуд ишингиз билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги боис сафарни кейинроққа қолдиришга мажбур бўласиз. Ҳаммага ҳам ишонверманг. Ҳужжатларга улар билан танишмасдан аввал имзо чекманг.

Арслон. Оилангиз ва хонадонингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, рўзғорни бутлаш учун катта харажат қилишингиз кутилмоқда. Устига-устак, аянчли аҳволга тушиб қолган қариндошингиз ҳам ёрдам сўраб мурожаат қилиши мумкин. Аммо ҳаммасини назоратта олганингиз сабабли жиддий қийинчиликка дуч келмайсиз. Паризод. Сизга юклатилган расмий ва норасмий ишларнинг барчасини аъло даражада бажаришга эришасиз. Ҳафта давомида янги ўрнатилган алоқалар орқали янги дўстлар орттиришингиз кутилмоқда. Меҳмон қуттиш, зиёрат қилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш учун қулай ҳафта.

Тарози. Ҳафта давомида катта ҳажмдаги уй-рўзгор буюмлари, мебель харид қилсангиз, қолаверса, кўчмас мулк олиб-сотиш билан шуғуллансангиз, ютқазмайсиз. Дам олиш кунлари фарзандларингиз билан музей ёки театрга бориб, маданий ҳордик чиқаринг.

Чаён. Ҳаво йўллари орқали амалга оширилган сафарлардан ташқари, барча саёҳатлар сиз учун фойдали бўлиши, олам-олам қувонч бахш этиши кутилмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётганингизда ўзингизни уринтириб қўйманг.

Ўқотар. Ижод қилиш учун қулай ҳафта. Узоқ вақт кўришмаган қариндошларингиз билан яна учрашасиз. Янги лавозимга тайинланшингиз кутилса-да, ишингиз талаб этгани боис, кичик-кичик сафарлар уюштиришни қанда қилманг.

Тоғ эчкиси. Ҳафта давомида раҳбарлар, мартабали инсонлар билан учрашув белгиламаганингиз маъқул. Ишқий муносабатларда ҳам омад сизни четлаб ўтади. Жисмоний машқларни бажариш давомида ўзингизни уринтириб қўйманг. Бор эътиборингизни ўз вазифангизни удралашга сарфланг.

Қовға. Ҳафта давомида пул топиш учун бор куч-ғайратингизни аямасиз. Шундай экан, юлдузлар сизга кўпроқ валюта операцияли ва банк билан боғлиқ ишларни бажариш давомида омад қилиб боқушини башорат қилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Асосийси — ўзингизга ишониб ҳаракат қилинг.

Балиқ. Ўзингизни қўлга олиб, қатий чоралар кўрсангизгина, оқсоқланиб қолган режаларингиз амалга ошади. Ҳамкорлар билан мулоқот қилаётганингизда, ҳеч бўлмаса, сал қаттиқроқ гапиришга ҳаракат қилинг. Турмуш ўртоғингиз соғлиғига эътибор беринг.

ЭЛ-ЮРТ ИФТИХОРИ

МДХ КУБОГИ

ФУТБОЛ

«Пахтакор» ярим йўлда қолди

Мамлакатимиз чемпиони — Тошкентнинг «Пахтакор» футбол клуби Москвада бўлиб ўтаётган МДХ давлатлари кубогиде муваффақиятли иштирок этиб, муддатидан аввал чоракфинал йўлланмасини қўлга киритганидан кўпчилик футбол мухлислари хабардор бўлсалар керак.

Аввал Таллиннинг ТВМК клубини (3:0), кейин эса Тбилисининг «Динамо» жамоасини (2:1) мағлуб этган ҳамюртларимиз ЦСКАга қарши ўтказиладиган гуруҳдаги сўнгги ўйинида қандайд натижа қайд этилишидан қатъий назар, 1/4 финалида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишганди. Шундай бўлса-да, Равшан Хайдаров шогирдлари мазкур ўйинида армиячиларга нисбатан муносиб қаршилик кўрсатишди. Оқибатда кескин ва муросасиз курашлар остида кечган баҳс 3:4 ҳисобида яқунланди. Эътиборлиси, шу куни «хет-трик»ка эришган ҳужумчимиз Зайниддин Тожиев ЦСКА дарвозасига киритилган учала



тўп муаллифи бўлди. Ўйин тугаётганида вакилларимиз ҳисобни тенглаштириш учун қулай имкониятга ҳам эга эдилар. Бироқ сўнгги сонияларда армиячилар дарвозабони билан бирга-бир чиққан футболчимиз Исмоил Иномовдан омад юз ўгириб, ҳисоб ўзгармай қолди. Натижада гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаган «Пахтакор» чоракфиналда «В» гуруҳи голиби — Озарбойжоннинг «Нефтчи» жамоаси билан учрашадиган бўлди.

Кеча кечкурун, яъни газета саҳифаланаётганида кавказлик «нефт»чилардан ўйиндан кейинги пенальтилар бўйича мағлуб бўлган йигитларимизнинг, афсуски, кўзлаган мақсадларига эриша олмаганлари ҳақидаги хабарни олдик. Асосий вақтда голиб аниқланмагач (0:0), футбол лотереясида омад озорбайжонликларга қилиб бокди (2:4). Вакилларимиздан Жепаров ва Алиқулов рақиб дарвозасини аниқ нишонга олган бўлса, Копадзе ва Суонон томонидан йўлланган зарбаларни «Нефтчи» дарвозабони қайтарди.

Мусобақанинг яримфинал ўйинлари эртага, ҳал қилувчи — финал баҳси эса яқиндан куни ўтказилади.

ТЕНИС

Айни кунларда теннис мухлисларининг диққат-эътибори Australian Open теннис турнири ўтаётган Мельбурн шаҳрига қаратилган. Муқофот жамғармаси 19 млн. АҚШ долларини ташкил этган «Катта дубулға» туркумига кирувчи мазкур турнирнинг бош соврини учун жаҳоннинг энг етакчи теннисчилари кураш олиб бораётган мусобақадe ҳамюртимиз Денис Истомин дунё рейтингиде биринчи ўринни эгаллаб турган швейцариялик теннисчи Роже Федерер билан куч синашди. У яқка тартибдаги баҳсларнинг биринчи даврасида мағлубиятга учраса-да (2:6, 3:6, 2:6), тажрибали рақибига нисбатан муносиб қаршилик кўрсата олди.



Биринчи ракеткага муносиб қаршилик

Теннис баҳсларини ёритувчи Халқаро журналистлар уюшмаси (ITWA) томонидан ўтказилган сўровга кўра, Р.Федерер 2005 йил давомида ўтказилган учрашувларнинг 81 тасида голиб, 4 тасида эса мағлуб бўлган. 11 та турнирнинг бош совринини қўлга киритиб, мавсумнинг «Энг яхши ўйинчиси» деган номга эришган. Ундан ташқари, ҳозиргача, бирдангача икки нуфузли халқаро мусобақа — Уимблдон ва US Open

турнирларида голиб чиққан дунёнинг ягона теннисчисидир. Ҳамюртимизга эса хорижий ОАВ қуйидагича баҳо берди: «...Биринчи даврада Федерерга чиндан ҳам омад қилиб бокди: ўзбекистонлик 19 яшар Денис Истомин Australian Open йўлланмасини 2005 йили Осиё чемпиони бўлганидан сўнг қўлга киритган. Профессинал даражадаги турнирларда тўртинчи, «Катта дубулға» таснифига кирувчи мусо-

бақадe эса дастлабки учрашувини ўтказсаёган Истомин ўзига хос истеъдод эгаси бўлиш билан бирга «матонатли йигит» эканлигини ҳам исботлади. Зеро, бир йил аввал авдитофалокатга учраб, қўл-оёғини синдирган бўлишига қарамай, у ҳатто шифокорларни ҳам хайратда қолдириб, катта кортга қайтди ва жаҳон рейтингидеги ўрнини (931-поғонадан 195-поғонага) кўтаришга эришди».

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти замонавий рақамли босмаҳона сотиб олиш учун ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Тендерда иштирок этишни истаганлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун мобайнида тахририятга ариза беришлари шарт. Мурожаат учун телефонлар: 107-74-89, 132-10-89.

«ПАХТА БАНК» ФАРОВОНЛИГИНИНГиз КАЛАМТЭРАТИ!

Моя мечта. TOSHKENT YOG-MOYUKOMBINATI OAJQK

Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kim oshdi savdolari» агентлиги — яқин бизнес ҳамкорингиз!

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

- КЕНГАШ РАИСИ Мухаммадюсуф ТЕШАБОВ
КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адхам ШАДМАНОВ
Ақром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилхом ЙЎЛДОШЕВ
Аъзамжон РАҲМАНОВ
Абдувахоб ИМОМАЛИЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илхом НАСРИЕВ
Мансур ЭОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Раҳмон КЎЧҚОР
Суннатулла УМАРОВ
Сирожидин САЙИД
Шухрат НОРГИТОВ
Шухрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой ҚАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАХРИРИЯТ

- Абдували СОИБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Тоҳир АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРХОДИЕВ
Улғбек ЮСУПОВ
Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин
МАМАТРАЙИМОВ
Шаҳзод НАЗАРОВ

МАТ ТЕРУВЧИЛАР

- Нигора ДЖУРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР

- ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-64-80
ИҚТИСОДИЕТ ВА ТАДБИҚРОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 55-70-16
АҲБОРОТ ВА ТАРФИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16
МАЎНАВИЯТ, АДАБИЕТ ВА САҲЪАТ 55-68-50
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар: М. АБДУРАҲМОНОВ, Ш. ПАРПИЕВ.

«Шарк» нашриёт-матбаа ақциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буёқ Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-370.
Тираж: 13228

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 41, 79-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborot@xasr@yahoo.com XXI_ASR@yahoo.com

«XXI ASR»дан олинган маълумотларда маъна сифатида газетда номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР Миродил АБДУРАҲМОНОВ.



БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

«ASR»

EKSPRESS-MEDIA

НОШИРЛИК УЙИ

ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS

РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ

Тел: (998-71) 151-29-52.

E-mail: milapress@yahoo.com

РЕКЛАМА